ЮБИЛЕЙ

ЮБИЛЕЙ JUBILEE

УСТОЗ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА...

© 2022. Тошбоев Фуркат

Жиззах Давлат педагогика университети

Уструшонанинг қадим ва ўрта асрлар археологияси билимдони Мухторқул Ҳасанович Пардаев 65 ёшга тўлди. Устоз Мухторқул Ҳасанович 1957 йил 26 ноябрда Жиззах шаҳри, Қалия мўлканлик маҳалласида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Ҳасанбой Пардаев оиласида таваллуд топган.

Дастлабки таҳсилни Жиззах шаҳридаги 19-сонли мактабда олган М. Ҳ. Пардаев, 1980 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетини археология соҳаси бўйича муваффаққиятли тугаллаган. Талабаликнинг дастлабки пайтидан ўз олдига Уструшона, хусусан Жиззах воҳаси қадим тарихи ва археологияси билан шуғулланишни режа қилган ёш мутахассис 1980 йилда Ўз РФА Археология институтига расмий равишда ишга таклиф қилинади. Бу пайтда 1978 йил ЎзР ФА археология институти (хозирги Самарқанд археология институти) қошида Жиззах вилоятидаги ёдгорликларни комплекс ўрганиш мақсадида Э. Б. Қодиров раҳбарлигидаги Шимолий Уструшона отряди тузилган эди.

Мухторқул Ҳасанович дастлаб, бу отряд таркибида дастлаб, Ғаллаорол тумани Обиз қишлоғидаги Қинғиртепа ва унинг яқинида жойлашган Жалмантепа, Алмантепа I–II ни юқори ва пастки маданий қатламларини очиб ўрганишда қатнашган. Кейинчалик илмий тадқиқот фаолияти кенгайиб Шимолий-ғарбий Уструшона яъни Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги археологик ёдгорликларни ўрганишни бошлаган. Шу тарзда 1984 йилда Археология институти раҳбаряти ёш мутахассисга катта ишонч билдириб уни Жиззах отряди бошлиғи қилиб тайинлайди.

М. Ҳ. Пардаев тадқиқотлари туфайли, XX асрнинг 80–90 йиллари ва Мустақиллик даврида шимолий-ғарбий Уструшона тарихи бўйича режали равишда илмий тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Бу изланишлар натжасида, Сангзор дарёсининг қуйи оқими ҳудудида жойлашган Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги, Пардақултепа, Комилбоботепа, Расулбойқултепа, Ёқуббоботепа, Қизлартепа каби қишлоқ маконлари ва улардаги бой ашёвий манбалар очиб ўрганилди ва илмий муомалага киритилди. Ўтган давр мобайнида турли йўналишларда археологик қидирув экспедицияларини уюштириш, қазув тадқиқотларини самарали ташкил этиши натижасида, Уструшонанинг деҳқончилик воҳаларидаги археологик ёгорликларни ўрганиш борасидаги фаолияти туфайли, ушбу ёдгорликларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари, қадимги аҳолининг моддий ва маънавий ҳаёти борасида муҳим янгиликлар қилинди. Ушбу ўрганилган материаллар М. Ҳ. Пардаевнинг “Шимоли-ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда” мавзусидаги номзодлик диссертацияси учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Орадан қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида олим томонидан Жиззах воҳасида шаҳар маданиятинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида таянч маълумот берувчи кўплаб

археологик манбалар қўлга киритилди. Улардан энг муҳимларидан бири Қалиятепа шаҳар ёдгорлигининг 2-рабодида ўтказилган тадқиқотлар ҳисобланади. Устоз томонидан ушбу археологик объектдан топилган моддий манбаларга таяниб, Жиззах шаҳрига милодий эрадан аввалги II аср охири – I аср бошларида асос солинган, деган хулоса берилган. Кейинчалик, устоз бошчилигидаги экспедиция томонидан олиб борилган кенг қамровли қазув тадқиқотлари натижасида, ушбу фикрни тасдиқлайдиган кўплаб материаллар Қалиятепа шахристонидан ҳам топиб ўрганилди. Бу изланишлар натижасида бугунги кунда Жиззах шаҳрининг ёши икки минг йилдан кам эмаслиги яна бир бор асосланмоқда. Бундай ишончли илмий хулосага келишда Устоз М. Ҳ. Пардаев томонидан ўрганилган археологик материаллар асосий рол ўйнаган. Айни пайтда ҳам Устоз томонидан ушбу мавзу доирасидаги изланишлар давом эттирилмоқта.

Мухтор Ҳасанович Жиззах воҳасидаги Пардақултепа, Комилбоботепа, Расулбойқултепа қишлоқ маконлари ва Қалиятепа ва Қизлартепа шаҳар ёдгорлигидаги тадқиқотлари мобайнида чорвадорлар маданиятига оид ашёларга ҳам кўп дуч келган. Бунга ойдинлик киритиш мақсадида, Жиззах воҳасига кўчманчи чорвадор қабилаларнинг кириб келиши, ўтроқлашув жараёнлари, унинг қишлоқ маконлари кўпайишига таъсири, Қовунчи маданиятига оид ёдгорликлар ва ўртоқ деҳқон ҳамда чорвадорлар маданиятининг ўзаро таъсири каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Бунинг натижасида, Жиззах воҳасида ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадорлар маданияти, уларнинг ўзаро муносабатлари, аҳолининг этник шаклланиши ва туркийлашиш жараёнига бағишланган қатор мақолалари эълон қилинди.

М. Ҳ. Пардаев ЎзР ФА Археология институтида ишлаш билан биргаликда, археология илмини ёш авлодга сингдириш, археолог мутахассислар тайёрлаш ишарига ҳам амалий ёрдам бериб келмоқда. Бу борада Устознинг Жиззах давлат педагогика университетидаги фаолият алоҳида аҳамиятга эга. Устоз ушбу илм даргоҳида 1995 йилдан ҳозирги қадар фаолият юритади. Кўп йиллардан буён Жиззах ДПУ нинг тарих факультетида талабаларга “Археология”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Буюк Ипак йўли” фан ва предметлардан дарс бериб келмоқда. Бу фаолият бир пайтнинг ўзида Олий таълим муассасалари билан Илмий тадқиот институтлари ўртасидаги яъни ЖДПУ билан ЎзР ФА Миллий археология маркази, айни пайтда Самарқанд археология институти ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

ЎзР ФА Археология институти Жиззах экспедициясининг Қалиятепа, Қизлартепа, ёдгорликларида қазув ишларига талабалар амалиётини ташкил этиш жараёнида ёш педагогларни ҳам археология илмига йўналтирди. Ўша пайтларда археология фанидан амалий машғулотларни қазув тадқиқотлари олиб борилаётган археология объектларида ўташ, нафақат талабалар, балки уларга маъсул бўлиб келган ёш педагог ўқитувчиларда ҳам катта таассурот қолдирган, бу фанга қизикишни ўйгаткан. Бу йиллар мобайнида тарих факультетининг бир гуруҳ ёш ўқитувчилари археологиянинг сирли оламига тортилди, ўз хоҳиши билан археологияга доир илмий мавзулар устида тадқиқотларни бошлади. Ушбу фаолиятлар самараси ўлароқ Ф. Тошбоев, И. Убайдуллаев, Ж. Ғофуров, З. Холбоев, Б. Эргашева, Г. Мўминова, Т. Ҳасанбоев, Х. Рахмонов каби жиззахлик ёш педагоглар бирин-кетин археология фани изланишларига кириб кела бошлаган. Шахсан ўзимни археология илмига кириб келишимда ҳам Устозни хизматлари катта бўлган. Устоз билан маслаҳатлашган ҳолда, кўчманчилар маданияти бўйича мавзу танланган ва мени ЎзР ФА Археология институти илмий жамосига таништирган. 2004-2005 йилларда ЎзР ФА Археология институтида илмий стажировкада бўлганимда Устозни уйида яшаганман. Устозни уйи илм аҳли айниқса, ёш тадқиқотчилар билан ҳамиша гавжум бўлар эди.

Бугунги кунга келиб, М. Ҳ. Пардаевнинг саъй-ҳаракати ва яқиндан берган амалий ёрдами туфайли Жиззах ДПИда ўзига хос археология мактаби шаклланди. Ушбу мактабнинг вакилларидан бир нечтаси докторлик (PhD) диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Айни пай-

тда қатор шогирдлари химоя қилиш арафасида. Бу борада ҳам М. Ҳ. Пардаевнинг амалий ёрдами, кўрсатган йўл-йўриқлари катта аҳамият касб этмоқда.

М. Ҳ. Пардаев раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Шимоли-ғарбий Уструшона ҳудудида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши, моддий маданияти, хронологияси ва ёдгорлик соҳибларининг қайси халқларга мансублиги тўғрисида ҳам илмий хулосаларга келинди ва мазкур тарихий маданий воҳада яшаган аждодларимизнинг ўтмиши ва уларнинг ўлка тарихида тутган ўрни масалаларини етарлича ёритиш борасида қимматли манбалар қўлга киритилди. Ушбу ишлар , тадқиқотлар давом этмоқда ва Уструшона халқлари моддий маданияти ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти саҳифлари асл илмий маълумотлар билан янада бойимоқда. Бунда Ўзбекистон археологияси мактабининг иқтидорли олимларидан бири, жонкуяр уструшонашунос олим Мухтор Ҳасанович Пардаевнинг хизмати катта бўлмоқда.

Устозим Мухтар Ҳасановичнинг мен аниқ билган яна бир жиҳати, илмфанга кириб келаётган ёш мутахассисларга ибрати унинг қамон ўкишда, ўрганишда, ўз устида ишлаш ва изланишда эканлигидир. Шунинг учун устозимиз нафақат археологиянинг турли даврлари бўйча, балки Ўзбекистон тарихи, этнографияси, этнологияси муаммолари, яратилаётган монографиялар, ҳимояга чиқилаётган диссертациялар бўйича ўз фикрларини билдира олиш қобилиятига этадир.

Айни вақтда олим Ўзбекистон археологияси фанида эришилаётган илмий ютуқлар ва кашфиётлар, янгиликлар олим томонидан нафақат илмий журналларда, балки Республика ва хорижда бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияларда, ОАВнинг Республика, Жиззах вилояти ва шаҳри радиотелевидениеларида кенг ёритилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган вақт давомида серқирра фаолият олиб борган олим илмий йўналишда асосан Жиззах воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ва археологияси борасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб боради, бу борадаги тадқиқот натижалари тўртта монография, иккита илмий оммабоп китоб, иккита ўқув қўлланма ва уч юзга яқин илмий мақолаларда ўз аксини топган.

М. Ҳ. Пардаев илмий фаолият билан бир қаторда ЖДПУнинг нашр ишларида ҳам фаол иштирок этиб келади. Университетнинг “Тафаккур зиёси” илмий услубий журнали таҳририят аъзоси, кафедрада ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган республика ва хорижий конференциялар тўпламларининг маъсул муҳаррири сифатида ҳам самарали хизмат қилмоқда.

М. Ҳ. Пардаев ўзининг очиққўнгиллиги, тўғрисўзлиги, катта-кичикка бир хил яхши муносабати, ҳар қандай шароитда ёрдамга тайёрлиги билан жамоа аъзолари, айниқса ёшлар орасида ҳурмат, эътибор қозонган. Устоз таранг вазиятларни юмшатиш, инсонларни бир муросага келтириш қобилиятига ҳам эга. У ўз билими ва тажрибасини ёшларга холис ўргатишда, уларнинг ишларини ўқиш, таҳлил қилиш, маслаҳатлар беришда катта ёшли, тажрибали мутахассислар орасидаги энг фаол, лекин ўта талабчан устоз, етакчи илмий ходимдир. Устоз қатнашган давралар ҳамиша файзли, ҳазил мутойибага бой ўтади. Аския, латифагуйлик санъатида эса Устозни навбатдаги яширин қобилияти намоён бўлади.

Оилавий ҳаётда ҳам М. Ҳ. Пардаевни ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Турмуш ўртоғи Гулбахор янга кўп йиллар ЎзР ФА Археология институтида фаолият юритган. У киши билан биргаликда 2 ўғил ва уч қизни тарбиялаб вояга етказди. Барча фарзандлари олий маълумотли, жамиятда ўз ўрнига эга. Ўндан ортиқ набиралар баркамол ўсмоқда.

Бугун устозимиз Мухторқул Ҳасанович Пардаевни 65 ёшлик таваллуд кунлари билан табриклаб турганимдан хурсандман! Устозни самимий қутлаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, илмий ва илмий-педагогик фаолиятига улкан ютуқлар тилайман! Энди ижоднинг баркамол чўққисига кўтарилган Устозимга Ўзбекистон тарихи ва археологияси фани равнақига узоқ йиллар мобайнида янада самарали ҳисса қўшишларини чин дилдан истаб қоламан!